

КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна -
ТДИУ мустақил тадқиқотчысы

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш билан бөглиқ масалалари акс эттирилган. Шунингдек, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласидиган корхоналарнинг инновацион фаолияти барқарор иқтисодий ривожланишининг муҳим компоненти ва шарти ҳисобланиши асослаб берилган. Шу билан бирга, корхоналарнинг инновацион фаолиятининг моҳиятини таҳлил қилиш, корхонанинг инновацион майдонини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолият механизмини ишлаб чиқиш орқали барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаша масалалари ҳақида баён этилган.

Калим сўзлар: инновация, венчур корхона, фонд, глобал маркетинг, илм-фан, хавф-хатар.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна -
Независимый соискатель ТГЭУ

Аннотация. Наличие инновационной деятельности в данной статье приводит к технологическим изменениям, которые осуществляются с использованием других технологий технологического режима. В этом контексте констатируется, что инновационная деятельность предприятий, служащая основой устойчивого экономического развития, является важной составляющей и условием устойчивого экономического развития. Одновременно проводится анализ сущности инновационной деятельности предприятий, вопросы обеспечения устойчивого экономического развития через разработку механизма инновационной деятельности с учетом инновационного направления деятельности предприятия.

Ключевые слова: инновации, венчурный капитал, фонд, глобальный маркетинг, наука, риск.

ISSUES OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITY OF ENTERPRISES

Shomansurova Zilola Abduvakhitovna -
Independent researcher at TSUE

Annotation. The presence of innovative activity in this article leads to technological changes that are carried out using other technologies of the technological regime. In this context, it is stated that the innovative activity of enterprises, which serves as the basis for sustainable economic development, is an important component and condition for sustainable economic development. At the same time, the analysis of the essence of innovative activities of enterprises is carried out, the issues of ensuring sustainable economic development through the development of a mechanism for innovative activities, taking into account the innovative direction of the enterprise.

Key words: innovation, venture capital, fund, global marketing, science, risk.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё товар ва молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ўсиб бораётган муаммоларини ҳал қилиш усусларида тобора рақобатнинг тобора кучайишига олиб келмоқда. Ушбу масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртингчи саноат инқилоби даврида халқаро рақобатбардошлика эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлиши лозим. Ушбу рақобат шароитида иқтисодиётда устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи экотизимни шакллантириш энг асосий вазифа ҳисобланади[1].

Шу сабабдан, ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошликини ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришни ва глобал маркетингни фаол ўзлаштириш, устувор йўналишларда ўз илмий мактабларини ташкил этиш, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб этиш, инновацион салоҳиятга эга истиқболли стартапларни қўллаб-куватлаш, узоқ муддатли барқарор ривожланишининг молиявий ва институционал асосларини яратиш учун давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш каби чораларни кўрмоқда[1].

Мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият қўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга

оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингида дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Мазкур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб[2], ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислоҳот-ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Корхоналарда инновацияларни ривожлантириш, унинг асосий фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулотнинг ва умуман корхонанинг рақобатбардошлигига таъсир ўtkазади. Рақобатбардошлик ишлаб чиқаришдаги фойда ва самарадорлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Ривожланган давлатлар тажрибаси инновациянинг иқтисодиётдаги роли муҳимлигини кўрсатди[3]. Инновация – илмий-техник тараққиётнинг намокни бўлиб, у товарлар ва хизматларнигина эмас, балки акциядорлик жамиятни фаолиятини, ҳозирги замон талабига мослаштиради ва такомиллаштиради[4]. Корхоналарида инновация – илмий - техника тараққиётини микро даражада намоёндоси бўлиб ҳисобланади. Замонавий корхоналардаги ташкил этилаётган инновацияларнинг асосий йўналишларига[5]:

- комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- электрлаштириш;
- ишлаб чиқаришни электронлаштириш;
- янги материалларни тадбиқ этиш;
- янги технологияларни ўзлаштириш кирди.

Иқтисодий ислоҳотлар даврида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, мамлакатимиз корхоналари инновация соҳасидаги жиддий муаммолар билан боғлиқ бўлади. Асосий қийинчиликлар инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда бўлиб, корхонанинг инновация фаолиятини ўсишида унинг ўрни алоҳида ўринни эгаллайди[6]. Лекин ушбу корхоналар юқори риск билан боғлиқ бўлганлиги туфайли уни молиялаштиришда акциядорлар ўз капиталини киритиши афзал кўрмайди[7]. Шунга қарамай, аксарият корхоналар янги бозор шароитларига мослашиб барқарорликка эришмоқда. Корхоналарининг ўз-ўзини молиялаштиришга ўтишлари, ўз ва ташқи инвесторларнинг маблағларини жалб этиши уларнинг инновацион фаолиятини амалга оширишга туртки бўлди[8]. Инновациялар на фақат муҳим инвестицияларни талаб қи-

лади, балки унга ажратилган молиявий маблағларни самарали бошқариш ва юқори кўрсаткичларга эришишни ҳам кўзлайди.

Бизнинг фикримизча, амалиётда венчур корхоналар мураккаб тузилган бўлиб, илмий ғояларни технология ва маҳсулотларга айлантириш билан боғлиқ бўлган ишланмаларни синаш, ишни маромига етказиш, уни саноатга инновация сифатида тадбиқ этиш билан шуғулланиши мақсадга муваффақ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, деалектик тадқиқот, индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимили қиёсий таҳлил, иқтисодий статистик усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мұхоказаси. Ҳозирги даврдаги кичик венчур корхоналар эгилувчан ва харакатланувчан субъект бўлиб, юқори ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан фарқланади, бу корхона ходимлари ва инвесторларни биринчи навбатда ишлаб чиқилган ғоя, технология, объект, тадқиқотларни кам харажат билан тезлиқда муввағафиятли татбиқ этилиши учун тўғридан-тўғри манфаатдорлигига ифодаланади.

Венчур корхоналар шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этилади. Венчур, молиялаштиришни ўзига хос бўлган юқори хавфлилик дарајасига эга бўлган фаолият тури бўлиб, бевосита сарфланадиган инвестициялар корхоналар акциясининг маълум бир қисмига алмаштирилади, бунда венчур фаолияти фақатгина ишонч асосида амалга ошади ва ўзи тадқиқотларни олиб бормайди.

Келажаги бор технологияни тижорат мақсадида амалга ошириш учун бизнесни қўллаш мақсадида ўз улушкини сотиш мумкин[9]. Венчур бизнесига инвестицияларнинг сарфланишнинг асосий хусусияти ҳеч қандай кафолатсиз амалга ошрилади, венчур корхоналар томонидан ҳеч қандай моддий таъминлаш бўлмайди.

Шундай қилиб венчур корхонасига инвестициялар сарфлашни қўйидаги хусусиятларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) Молиявий маблағлар ҳеч қандай кафолатсиз ва моддий таъминотсиз амалга оширилади;
- 2) Инвестор устав капиталида албатта ўз ҳиссасига эга бўлади;
- 3) Маблағлар узоқ вақтга ва қайтариб олмаслик шарти билан берилади;
- 4) Инвестор корхонани бошқаришда фаол иштирок этади.

Венчур корхоналар фан сиғими юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларида кенг тарқалади, бу корхоналар илмий тадқиқотлар инженерлик ишланмаларини олиб боришига ихтисослан-

ганлиги, натижада ҳозирги даврда кичик бизнеснинг илмий тадқиқотлар ва ишланмаларданғи ўрни сезирарли тарзда ошганлигини кўришимиз мумкин. У кичик ва ўрта тадқиқот олиб бораётган юқори технологияга эга бўлган фирмаларни замонавий техникага ўлчамлари мос келадиган юқори технологик даражада бўлган технологиялар ва ишланмаларни нисбатан кам харажатлар билан ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Бундай корхонани ташкил этувчи ташаббускорлар, келажаги бор ғояларга ўзини бағишлаган йирик фирмаларнинг лабораторияларида белгиланган қатъий дастур ва марказлашган дастур асосида ишлайдиган озчиликдан иборат бўлган гуруҳлар, қобилиятли муҳандислар, ихтирочилар, олимлар, янгиликларни ишлаб чиқаришга татбиқ этувчи менежерлар ҳисобланади. Тадқиқотларни ташкил этишини бундай усули илмий кадрлар салоҳиятидан унумли ҳолда фойдаланиш имкониятини беради. Таваккал иш юритувчи корхоналар – инновация жараёнинг дастлабки босқичида қобилиятларни сақлаб қолишининг ўзига хос шакли бўлиб қолади. Венчур корхоналарнинг афзаллиги: эгулувчалиги, харакатчанлиги жуда мослашувчалиги, изланишларни тезда ўзгартириш, уни тезда англаб олиш ва янги ғояларга баҳо бериш кабиларда ифодаланади. Бозордаги рақобат кураши, фойда олишни мақсад қилиб қўйган ишланмаларни амалга оширувчилардан тадқиқотларни тезда амалга оширишни талаб этади[10].

Йирик корхоналар қимматбаҳо асбобларга, бозорда мустаҳкам мавқега эга бўлсада, ишлаб чиқаришда технологик қайта қуриш ва ҳархил эксперементларни амалга оширишни хоҳламайдилар. Шунинг учун улар кичик фирмаларни молиялаштиради, улар муваффақиятга эга бўлган синалган йўлда боришни афзал кўради. Шундай қилиб венчур бизнеси:

- янги хўжалик бўлинмаларни вужудга келиши билан анъанавий илмий тадқиқотлар ва мамлакатнинг иқтисодий таркибини ўзгартиради;

- юқори малакали мутахассисликларнинг бандлигини оширади;

- анъанавий иқтисодиёт тармоқларини техника билан янгидан таъминлашини кучайтиради;

- йирик корхоналарни бошқариш тамоилилари ташкилий таркибини такомиллаштиришга ундейди;

- келажакга мўлжалланган мақсадга эришиш учун венчур капитали қўринишидаги маҳсус кредит-молия тизими буғинини шакллантириш лозимлигини кўрсатади.

Венчур корхоналарининг икки хил ташкилий шакли мавжуд:

1) мустақил корхонлар таркибидаги венчур корхоналар;

2) йирик корхоналар таркибидаги венчур корхоналар.

Инвесторлар молиялаштираётган корхоналардан маблағларига мос равища фойдадан улуш олиш ҳуқуқига эга. Маблағлар узоқ муддатга берилади ва қайтиб олинмайди, баъзи ҳолларда инвесторлар ўз маблағларини келажаги мавжудлигини билиш учун 3-5 йиллаб кутади.

Инвесторлар молиялаштирадиган жамият фаолиятини бошқаришда фаол қатнашади, чунки улар фаолиятидан манфаатдор бўлади. Инвесторлар одатда, маблағ ажратиш билан чегараланмайди. Улар ёрдамчи маслаҳатлар, молиялаштириш йўналишларига аниқлик киритишда ва инновацион фаолиятни самарали бошқаришдаги молиявий ресурсларнинг тақсимлашишини ҳам кузатиб боради. Иш тугаганидан сўнг венчур корхоналар ўз фаолиятини тугатади ёки бошқа корхона таъсисчиларига қўшилиб кетади, бошқа ҳолда ишланмалар рақобатбардош бўлганда бозорга мустақил кириб, тадбиркорлик фаолиятини давом эттиради[11]. Венчур корхоналарни ташкил этиш қарори акциядорлар томонидан қабул қилинади. Гояларни танлашда, унинг асосида “таваккал” илмий лойиҳа қабул қилинганда албатта икки ҳолат ҳисобга олинади[12]:

- биринчидан бу лойиҳанинг вазифалари асосий компанияларнинг анъанавий манфаатларига мос тушмаслиги, яъни венчур корхонанинг мақсади янги инновацияларни излашдан иборат бўлиши керак;

- иккинчидан ички венчур доирасида амалга ошадиган ғояларни жамлашда, экспертилар янгилик олинадиган даражани, маҳсулотни яратишга, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва сотишга сарфланадиган харажатлар 50-75 % бўлиши кераклигини таҳлил қилиш керак.

Одатда ички венчур муваффақиятли фаолият олиб борганида асосий компаниянинг ишлаб чиқариш бўлимларининг бирига айланади ва унинг маҳсулотларини асосий компания ёрдамида сотишни амалга оширади. Ҳозирги кунда венчур корхоналар янгилик киритишнинг муҳим манбай ҳисобланади. Бундай корхоналарни ташкил этиш учун юқоридаги таркиблар бўлиши керак (1-расм).


Кўпинча компаниялар бир вақтнинг ўзида бир нечта венчур корхоналарни ташкил этади. Масалан, 2020 йилда 15 та “тавакалчи” корхоналар ташкил этилган. Улар асосида телекоммуникация, асбоб ускуналар, дисплейнинг янги турлари, шахсий компьютерлар каби маҳсулотларни бозорга чиқарилган[13].



1-расм. Инновацион корхоналарни молиялаштириш

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар бизнес доираларида эътиборли ўрин эгаллаган “фаришта инвестор”лар ва венчур фондлари мамлакат иқтисодиётини ўсишига хизмат қилиб келмоқда. Венчур фаолиятини ривожлантиришнинг зарур шартларидан бири бў-

либ, венчур молиялаштириши учун жозибали бўлган кичик тез ўсуви инновацион корхоналарининг мавжудлиги ҳисобланади, чунки венчур капитали моҳиятига кўра ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас – бу шунчаки молиявий манбалардан иборат.



2-расм. Венчур корхоналар фаолиятида “Бизнес фаришталар” иштироки

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар. Бу лойиҳани амалиётда бир йил давомида қўллангандан сўнг, ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг умумий миқдори сезиларли ўсиши башорат этилмоқда.

Кейинчалик кичик венчур корхоналарни йирик ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятига айлантириш режалаштирилмоқда. Инновацион бизнесни қўллаб-куватлаш функциясини бажарув-

чи акселераторлар томонидан саралаб олинган стартаплар бир неча ойлик тайёрлов дастурларини ўтаганларидан сўнг ўз лойиҳаларини фаришта инвесторлар олдида намойиш қиладилар. Улардан муваффақият қозониш эҳтимоли юқори бўлган, “фаришталар” томонидан муносиб кўрилганларига фирманинг маълум улуши эвазига инвестиция киритилади.“Фаришталар” аксарият ҳолларда тажрибали моҳир тадбиркорлар бўлиб, стартаплар муваффақиятидан манфаатдор эканликлари сабаб ҳам ўз фикр ва маслаҳатлари билан кўмак берадилар (2-расм).

Хулоса қилиб айтиш жоизки лойихани амалга ошириш учун бизнес фариштани қиди-

ришни бошлашдан олдин, ҳар бир бизнес фариштаси инвестор эканлигини, лекин ҳар бир инвестор бизнес фариштаси эмаслигини тушуниш керак. Бундай инвесторларнинг асосий хусусиятлари қўйидагилардан иборат бўлади: лойиҳаларга ўз маблағлари сарфланади; маблағларнинг қайтиш даражаси паст бўлганлиги сабабли кўпроқ бошқарув ваколатларига эга бўлиши кўзда тутилади; лойиҳани ишга туширишнинг дастлабки босқичларида етарлича пул сарфлаш лозим бўлади; лойиҳани ишлаб чиқиши жараёнида маслаҳат бериш, алоқа, тажриба ва билим кўринишида ёрдам беришга тайёр бўлиши лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мирзиёев, “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түфрисида,” 2020..
2. G.Bekimbetova, “Theoretical Aspects of the Methods and Goals in Assessment of Young Leaders,” Bull. Sci. Pract., 2020, doi: 10.33619/2414-2948/54/45.
3. G.Bekimbetova, “General methods of analysis in decision-making and selection efficiency of investment projects,” Bull. Sci. Pract., 2019, doi: 10.33619/2414-2948/40/36.
4. J. N. Shaturaev and H. S. Jumaev, “Small Business, Innovation and Entrepreneurship,” Int. J. Adv. Res., vol. 7, no. 11, pp. 303–307, 2019, doi: 10.21474/ijar01/10008.
5. Н.Сафутдинова, “Ўзбекистонда инновацион жараёнларни самарали ташкил этиш йўллари,” vol. 2020, pp. 134–140, 2020.
6. Б. Юсупов, “Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантиришда кичик тадбиркорлик имкониятларидан фойдаланиш,” pp. 1–5, 2018.
7. Г.Бекимбетова, “АНАЛИЗ РИСКОВ В ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ ПРИ ВНЕДРЕНИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В ПРОИЗВОДСТВО,” Sci. Herit. No 47, vol. 47, no. 1, pp. 26–29, 2020.
8. М.Мардонов, “Корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари ҳисобини тақомиллаштириш,” vol. 2021, pp. 85–95, 2021.
9. R.Karlibaeva, “THEORY OF FINANCE AND FINANCING STRATEGIES,” Int. J. Adv. Res., 2021, doi: 10.21474/ijar01/12480.
10. Б.А.Райзберг, Государственное управление инновационными процессами. 2010.
11. Ш. Ж. Н. Бекимбетова Г.М., “Основной показатель эффективности инвестиционных проектов - расчет чистой текущей стоимости,” vol. 3, no. 77, p. 6, 2021.
12. Ш.Атамурадов, “Хорижий мамлакатларда венчурли инновацион лойиҳалаштириш моделлари,” vol. 2019, pp. 1–18, 2019.
13. N.Raipova, “WAYS OF EFFECTIVE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES AT PRODUCTION ENTERPRISES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN,” vol. 7838, no. October, pp. 30–31, 2020.